

Риёзус солиҳийн / Риёзус солиҳийн / 627-ҳадис

1. Абу Саид ал-Худрий розияллоҳу анҳуддан ривоят қилинади:

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Жаннат ва дўзах (мартаба талашиб) даъволашиб қолди. Дўзах: «Менда золимлар, мутакаббирлар бўлади», деди. Жаннат: «Менда одамларнинг заифи ва мискиnlари бўлади», деди. Аллоҳ уларнинг ўртасида ҳукм қилди ва: «Эй жаннат, сен Менинг раҳматимдирсан. Мен хоҳлаган бандамга сен билан раҳмат қиласман (яъни, сенга уни киргизаман). Эй дўзах, сен Менинг азобимдирсан. Мен хоҳлаган бандамга сен билан азоб бераман (яъни, сенга уни киргизаман). Икковларингизни тўлдириш Менинг зиммамдадир», деди», дедилар.

*Имом Муслим ривояти.*

Манба: [hadis.islom.uz](http://hadis.islom.uz)



